



Ислом Нури

Муаллиф: Абдуррахмон Раъфат Бошо

Таржимон: Абу Туроб

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

Абу Ҳозим Аъраж номи билан танилган

“Абу Ҳозимдан кўра ҳикмат тилига яқин бўлган бирон кишини кўрмадим”.(Абдуррахмон ибн Зайд)

Ҳижратнинг тўқсон еттинчи йилида, мусулмонлар халифаси Сулаймон ибн Абдулмалик анбиёлар отаси Иброҳим алайҳис саломнинг нидоларига “Лаббай” деб, муқаддас ерларга сафарга отланади. Унинг карвони умавийлар пойтахти Димашқдан Мадинаи мунаввара сари йўл олади.

“Равзаи мутоҳҳарада” намоз ўқиш, Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга салом бериш завқи шавқи халифанинг қалбини эгаллаб олган эди. Халифанинг карвонида қорилар, муҳаддислар, фуқаҳолар, уламолар, амирлар ва саркардалар жам бўлган эди.

Карвон Мадинаи мунавварага етиб келиб юклар туширилгач, Мадинанинг мансабдор ва ҳурматли кишилари халифага салом беришга ва уни қутлашга бордилар. Лекин Мадинанинг қозиси, боҳужжат олими ва ишончли имоми бўлган Салама ибн Дийнор халифага салом бериш ва уни қутлашга келганлар ичида йўқ эди. Сулаймон ибн Абдулмалик зиёратга келганлар билан саломлашиб, дийдорлашиб бўлгач, суҳбатдошларидан бирига қараб: “Қалблар учун уларни вақти-вақти билан тозалаб, зангини кеткизиб турувчи одам бўлмаса, темирни занг босгани каби, қалбларни ҳам занг қоплайди”,



Ислом Нури

деди. Суҳбатдош: “Ҳа шундай, эй, Мўминлар амири тўғри айтасиз”. Халифа: “Бизларга панду-насихат қилиб, қалбларимизни софлайдиган, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларини кўрган бирон киши йўқми Мадинада?” деди. Улар: “Ҳа, бор эй Мўминлар амири, Абу Ҳозим Аъраж ана шундайлардан”. Халифа: “Абу Ҳозим Аъраж ким бўладилар?”. Улар: “Салама ибн Дийнор, Мадинанинг олими ва имоми, ҳамда бир қанча саҳобаи киромларни кўрган тобеинларнинг биридирлар”. Халифа: “Ундай бўлса ҳурматларини жойига қўйган ҳолда хузуримизга таклиф қилинглари”. Аъёнлар халифанинг таклифини Абу Ҳозимга етказганларида, улўғ тобеин қабул қилиб, халифа қўним олган ерга келадилар. Ўз навбатида халифа ҳам таклифни рад этмай қабул қилинганини қадрлаб, Абу Ҳозимни илиқ кутиб олиб, ўзига яқин ерга ўтқазади ва маломатомуз оҳангда:

— “Бу не жафо эй Абу Ҳозим?” деди. Абу Ҳозим:

— “Қандай жафо кўрдингиз менадан эй Мўминлар амири?”. Халифа:

— “Мадинанинг мансабдор кишиларининг ҳаммалари зиёратимизга келдилар, сиз эса келмадингиз?” Абу Ҳозим:

— “Жафо танишлар орасида бўлади. Сиз эса мени бугунгача танимас эдингиз, мен ҳам сизни кўрмаган эдим. Бас, шундай экан қандай жафо содир бўлди мен тарафдан?”. Халифа атрофидагиларга қараб:

— “Шайх узрларини тўғри баён қилдилар, халифа уни хато маломат қилди” деди. Сўнгра Абу Ҳозимга юзланиб:

— “Кўнглимда йиғилиб қолган муҳим масалалар бор, шуларни сизга



Ислом Нури

баён қилсам”.

— “Мармаҳамат, эй Мўминлар амири - мадад ёлғиз Аллоҳдандир”.

— “Эй Абу Ҳозим, нима учун биз ўлимни ёмон кўрамиз?”.

— “Чунки биз дунёмизни обод қилиб, охиратимизни хароб қилганмиз... Шунинг учун обод жойдан хароб жойга чиқишни ёмон кўрамиз”.

— “Рост айтдингиз”. “Эй Абу Ҳозим эртага Қиёмат куни биз учун Аллоҳнинг ҳузурида нелар ҳозирланган эканини жуда билгим келади?”.

— “Амалингизни Аллоҳнинг Китобига солиб кўрсангиз, ҳамма нарса аён бўлади.

— “Уни Аллоҳ таоло Китобининг қаеридан топаман?”.

— “Калимаси олий Зотнинг ушбу сўзида топасиз: **“Шак-шубҳасиз, яхшилар жаннат неъматларидадирлар. Шак-шубҳасиз, фисқ-фужур қилувчи кимсалар дўзахдадирлар”**. (Инфитор: 13,14.)

— “Аллоҳнинг раҳмати қаерда қолди?”.

— “Аллоҳнинг раҳмати чиройли амал қилувчиларга яқиндир”. (Аъроф: 56).

— “Аллоҳнинг ҳузурига қай ҳолда бориларкин?”

— “Яхши амал қилувчи одам, узоқ муддат айриликдан сўнг оила аъзолари ҳузурига қайтаётган киши каби келур. Ёмон амал қилувчи



Ислом Нури

эса, хожасидан қочган қулни ушланиб хожаси хузурига судраб олиб келинаётган қул каби келур”. Халифа йиғлаб юборди, хўнграб қаттиқ йиғлади. Сўнг:

— “Эй Абу Ҳозим, қандай қилсак солиҳлардан бўламиз?”.

— “Такаббурликни ташлаб, тавозели бўлсангиз солиҳлардан бўласиз”.

— “Мол-дунё ҳақида нима дейсиз ва унда Аллоҳ таолога тақво қилиш йўли қандай?”

— “Мол-дунёни ҳақ билан оласизлар ва уни эгаларига берасизлар. Уни баробар тақсимлаб, қўл остингиздагилар орасида адолат қиласизлар”.

— “Эй Абу Ҳозим, одамларнинг афзали ким?”

— “Амалли ва тақво эгалари одамларнинг афзалидир”.

— “Энг адолатли сўз қайси сўз?”

— “Қўрқиб ёки ундан бирон нарса умид қилиб турган одам қаршисида кишининг айтган ҳақ сўзи энг адолатли сўздир”.

— “Энг тез ижобат бўладиган дуо қайси?”

— “Чиройли амал қилувчи кишининг чиройли амал қилувчи кишилар ҳаққига қилган дуоси”.

— “Садақаларнинг афзаличи?”

— “Мол-дунёси оз камбағал кишининг, ўзидан кўра муҳтожроқ бечора



Ислом Нури

камбағалга миннат қилмай ва озор бермай берган садақасидир”.

— “Энг ақли киши ким?”

— “Аллоҳ таолога итоат қилиш имкониятига эга бўлган ва амал қилган, сўнг бошқаларни ҳам шунга йўллаган киши”.

— “Энг аҳмоқ киши ким?”

— “Золим дўстининг нафс-ҳавосига эргашиб кетган, бировнинг дунёси эвазига ўз охиратини сотиб юборган киши”.

— “Эй Абу Ҳозим, бизга ҳамроҳ бўлиб юрмайсизми, сиз биздан, биз сиздан насибадор бўлардик”. — “Йўқ, эй Мўминлар амири, сизга ҳамроҳ бўла олмайман”.

— “Нима учун?”

— “Сизларга ёнбосиб қолишимдан, натижада эса Аллоҳ менга дунё азобини ҳам охират азобини ҳам тоттиришидан қўрқаман”.

— “Эй Абу Ҳозим, бирон ҳожатингиз бўлса айтинг”. Абу Ҳозим жим турган эдилар. Халифа яна қайта: “Эй Абу Ҳозим, бирон ҳожатингиз бўлса айтинг, сиз учун қандай ҳожат бўлишидан қатъий назар ўтаб берамиз”, деди.

— “Ҳожатим, мени дўзахдан қутқариб, жаннатга киритиб қўйсангиз”.

— “Бу менинг қўлимдан келмайди, эй Абу Ҳозим”.

— “Менинг бундан бошқа ҳожатим йўқ, эй Мўминлар амири”.



Ислом Нури

— “Менинг ҳаққимга дуо қилинг”.

— “Эй Аллоҳ, агар мана шу банданг Сулаймон Сенга яқин бандаларинг қаторида бўлса, унга икки дунё яхшилигини осон қил. Агар Сенга душманлардан бўлса, уни солиҳлар жумласидан қилиб, Ўзинг яхши кўрган ва рози бўладиган йўлга бошлаб қўй”.

Шунда ўтирганлардан бири: “Мажлисга ўтирганингиздан бери яхши гап айтмадингиз, Мўминлар амирини Аллоҳнинг душманлари сафига қўшиб, халифамизга озор бердингиз”, деди. Абу Ҳозим: “Аксинча сизнинг гапирган гапингиз яхши гап бўлмади, шуни билингки Аллоҳ таоло: **“Албатта уни одамларга очик баён қилурсизлар ва яширмайсизлар...”**”, деб уламолардан ҳақ гапни гапиришга аҳд-паймон олгандир”. Сўнг халифага юзланиб: “Эй Мўминлар амири, биздан аввал ўтганларнинг амирлари уламоларнинг илмларига рағбат қилиб уларнинг ҳузурларига мудом борар эдилар, шунинг учун улар яхшилик ва офиятда яшадилар. Кейин ҳиммати паст кишилар пайдо бўлди, улар амирлар ҳузурдаги арзимас дунёни қўлга киритиш учун илм ўргандилар, амирлар бундай олимларни назарга илмай қўйдилар. Натижада бу илмдилар хор бўлиб ожиз қолдилар ва Аллоҳнинг ҳам назаридан тушдилар. Агар уламолар амирлар қўлларидаги нарсалардан ўзларини тортганларида, амирлар уларнинг илмларига интилардилар. Лекин уламолар амирлардаги нарсаларга интилдилар, амирлар эса улардан ўзларини тортдилар ва уларни қадрламай қўйдилар”. Халифа: “Гапингиз ҳақ, эй Абу Ҳозим, менга яна насиҳат қилинг, сиздан кўра ҳикмат тилига яқинроқ бўлган бирон кишини кўрмадим”. Абу Ҳозим: “Агар насиҳатга қулоқ тутадиганлардан бўлсангиз, сизга қилган насиҳатим етарлидир. Агар насиҳатни олмайдиганлардан бўлсангиз, ипсиз камондан ўқ отганимдан не фойда”. Халифа: “Ўтиниб сўрайман, эй Абу Ҳозим, менга насиҳат



Ислом Нури

қилинг”. Абу Ҳозим: “Майли насихат қиламан, лекин қисқа қиламан. Роббингизни улуғланг, Уни покланг, сизни қайтарган ерда кўринишдан ва сизни буюрган ерда кўринмай қолишдан сақланинг”. Сўнг Абу Ҳозим салом бериб чиқиб кетди. Халифа: “Насихатгўй олимга Аллоҳ яхши мукофотлар ато этсин”, деб дуо қилиб қолди.

Абу Ҳозим халифанинг олдидан чиқиб уйларига етмадилар ҳамки, халифадан чопар келиб, дийнорга лиқ тўла халта ва Мўминлар амирининг мактубини улуғ тобеинга узатди. Мактубда: “Бу дийнорларни ишлатинг, сиз учун менда бундан-да кўпи бисёр”. Чопарга дийнор тўла халтани қайтариб, мактубга жавобан ушбу сўзларни битиб халифага юбордилар: “Эй Мўминлар амири, сизни мендан сўраган саволларингиз ҳазил-беҳуда савол бўлиши ва менинг сизга берган жавобим эса ботил-бекор кетишидан Аллоҳдан паноҳ сўрайман. Аллоҳга қасамки - эй Мўминлар амири - бундай бўлишини сизга раво кўрмайман, қандай қилиб ўзимга раво кўрай. Эй Мўминлар амири, агар бу дийнорлар сизга айтган сўзларим ва қилган насихатларим эвазига бўлса, музтар ҳолатдаги ўлакса ва чўчқа гўшти бундан ҳалолроқдир. Агар байтул молдан бериладиган улушим бўлса, бошқа мусулмонларга ҳам баробар шундай улуш ажратдингизми?”.

Салама ибн Дийнорнинг уйлари илм толиблари ва яхшилик шайдолари учун ширин сувли булоқдек бўлиб, бунда оға-инилари билан шогирдлари ўртасида фарқ йўқ эди.

Кунларнинг бирида Салама ибн Дийнорнинг уйларига Абдурраҳмон ибн Жарир билан унинг ўғли келиб, шайх билан саломлашиб ўтирдилар ва у кишининг ҳақларига икки дунё яхшилигини тилаб дуо қилдилар. Одоб пешвоси улуғ тобеин ҳам ота-боланинг саломига ундан кўра чиройлироқ алик олиб, уларни илиқ кутиб олдилар ва ўрталарида



Ислом Нури

қуйидаги суҳбат бўлиб ўтди: Абдурраҳмон ибн Жарир: “Эй Абу Ҳозим, қандай қилиб уйғоқ қалб соҳибни бўла оламиз?”. Абу Ҳозим: “Ичингизни ўнгласангиз катта гуноҳлар кечиради. Банда агар гуноҳларни тарк этишга азму қарор қилса, унга яхшилик эшиклари очилади. Асло шуни унутмангки, эй Абдурраҳмон, мол-дунёнинг озгинаси ҳам бизни охират ишларининг кўпгинасидан чалғитиб қўяди. Сизни Аллоҳ таолога яқинлаштирмайдиган ҳар қандай нарса неъмат эмас, балки у жазо, азоб, офат ва балодир”. Абдурраҳмон ибн Жарирнинг ўғли деди: “Бизнинг кўп шайхларимиз бор, уларнинг қай бирига эргашайлик?”. Абу Ҳозим: “Эй ўғилчам, ёлғиз пайтда Аллоҳдан қўрқадиган ва айб бўладиган ишларга аралашидан ўзини оладиган, ёшлигидан ўзини ислоҳ қилган, буни кексалик даврига қолдирмаганларига эргашгин. Эй ўғилчам, шуни билгинки, қуёш чиққан ҳар кун борки толиби илмга нафс-ҳавоси билан илми қарама-қарши келиб, икки рақиб курашгани каби, унинг қалбида улар ҳам ўзаро курашадилар. Агар илми нафс-ҳавоси устидан ғолиб келса, ўша кун толиби илм учун фойдали кун бўлади, агар нафс-ҳавоси илмидан ғолиб бўлса, у кун толиби илм учун зиён, хасрат кун бўлади”. Абдурраҳмон ибн Жарир: “Эй Абу Ҳозим, бизни шукр қилишга кўп ундайсиз, шукрнинг ҳақиқати нима?” Абу Ҳозим: “Бизнинг ҳар бир аъзоимизда шукрнинг ҳаққи бор”. Абдурраҳмон ибн Жарир: “Икки кўзнинг ҳаққи нима?”. Абу Ҳозим: “Яхшиликни кўрганингизда уни ёймоқлигингиз, ёмонликни кўрганингизда эса яширишингиз икки кўзнинг шукридир”. Абдурраҳмон ибн Жарир: “Икки қулоқнинг шукри нима?” Абу Ҳозим: “Яхшиликни эшитсангиз уни қалбингизга жойлаб сақлаб қўйишингиз, ёмонликни эшитсангиз кўмиб ташлашингиз икки қулоқ шукридир”. Абдурраҳмон ибн Жарир: “Икки қўлнинг шукри нима?”. Абу Ҳозим: “Сизга тегишли бўлмаган нарсани олмаслигингиз ва Аллоҳнинг ҳақларидан бўлган ҳақни тўсмаслигингиз икки қўл шукридир. Шуни унутмангки, эй Абдурраҳмон, ким тил шукрини



Ислом Нури

етарли қилмаса ва тил шукрига дил шукрини ва барча аъзолар шукрини ҳам қўшмаса, бундай одамнинг мисоли, либосини киймай қўлида ушлаб турган кишига ўхшайди, бу эса уни иссиқдан ҳам совуқдан ҳам сақламайди”.

Бир йили Салама ибн Дийнор “Рум” шаҳарларига йўл олган мусулмон лашкарлар билан, Аллоҳ йўлида мужоҳидларга қўшилиб жанг қилиш учун йўлга чиқадилар. Лашкар кўзланган манзилга етишга оз қолганда, душманга қарши жангга киришдан олдин куч тўплаб олиш мақсадида бир оз дам олиш учун тўхтайди. Лашкар ичида Умавийлар амирларидан бири бор эди. Ана шу амир Абу Ҳозимга: “Келиб бизларга бир дарс бериб кетсинлар”, деб одам юборади. Абу Ҳозим амирга жавобан унга хат ёзиб юборадилар, хатда ушбулар битилган эди: “Эй амир, мен шундай аҳли илмларни кўрдим, улар дунё аҳлига динни кўтариб бормас эдилар. Дунё аҳлига динни кўтариб борган аҳли илмларнинг биринчиси мен бўлишимни истамасангиз керак деб ўйлайман. Хожатингиз бўлса олдимизга ўзингиз келинг. Сизга ҳам атрофингиздагиларга ҳам Аллоҳнинг саломи бўлсин”. Хатни ўқиган амир Абу Ҳозимнинг ҳузурларига бориб, кўришиб саломлашгач: “Эй Абу Ҳозим, бизга йўллаган мактубингизни ўқиганимиздан сўнг, наздимизда мартабангиз янада зиёда бўлиб, қадрингиз ошди. Аллоҳ сизни яхши мукофотлар билан сийласин, бизга панду-насихат қилсангиз”. Абу Ҳозим насихат қила бошладилар, мана бу қуйидаги сатрлар айтган сўзларининг жумласидандир: “Қиёматда қайси амал сиз билан бўлишини яхши кўрсангиз, бу дунёда шу амални қилишга ҳарис бўлинг. Охирада сиз билан қайси амал бўлишини истамасангиз, бу дунёда шу амалдан узоқ бўлинг. Шунинг биланки эй амир, агар сизда ботилнинг бозори чаққон бўлса, бемаънилар, мунофиқлар атрофингизга йиғилиб оладилар. Агар сизда ҳақнинг бозори чаққон бўлса, атрофингизга яхши одамлар йиғилиб, ҳақ устида



сизга ёрдамчи бўладилар. Ўзингизга ёққанини танлаб олаверинг”.

Абу Ҳозимга ўлим соати келганида, атрофидагилар: “Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз эй, Абу Ҳозим?” деб сўраган эдилар. “Дунёда қилиб қўйган ёмонликларимиздан нажот топа олсак, дунёда йўқотган нарсаларимиз бизга зарар бўлмас”, деб ушбу ояти каримани такрор-такрор ўқиб жон таслим қилдилар: **“Албатта иймон келтириб яхши амаллар қилган зотлар учун Раҳмон дўстликни (барқарор) қилур”**.